



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНING 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, темир йўл транспорти тизими-ни замон талаблари асосида ривожлантириш, соҳадаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

Жўраев Олим Авлаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қарши темир йўл таъмирлаш корхонаси кран машинисти, Қашқадарё вилояти
Изенов Жиенбай Жанабаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўнғирот локомотив депоси тепловоз машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Раззоков Отаназар Маматович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 17-йўл қурилиш машина станцияси йўл таъмирловчиси, Бухоро вилояти

Салиев Хикматилло Насирович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг алоқа ва сигналлаштириш маркази бош муҳандиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

Муинов Саби Каримович — «Ўзтемирйўл-маштаъмир» унитар корхонасининг «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонаси қуюв цехи эритувчиси, Тошкент шаҳри

Назирова Орифжон Халимович — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Андижон механика заводи» шўъба корхонаси цех бошлиғи, Андижон вилояти

Республикамиз темир йўл транспорти тизимидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, тармоқнинг барқарор ва самарали ишлаши-ни таъминлаш, соҳага илғор технологиялар-ни жорий қилиш ҳамда янги темир йўллари барпо этиш ишларига қўшган салмоқли ҳис-саси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Алимов Забибулло Махмуджонович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акция-дорлик компаниясининг «Ховос» тиклаш по-ездни устаси, Сирдарё вилояти

Нарзуллаев Зўфар Ғисович — «Ўзбеки-стон темир йўллари» давлат акциядорлик ко-мпаниясининг капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи

Шерзонов Холмурот — «Ўзбекистон те-мир йўллари» давлат акциядорлик компания-сининг Урганч темир йўл масофаси катта йўл устаси, Хоразм вилояти

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Акбаров Усмонжон Джурабаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акция-дорлик компаниясининг Қарши локомотив де-поси тепловоз машинисти, Қашқадарё вило-яти

Деваров Шариф Бабаевич — «Ўзбеки-стон темир йўллари» давлат акциядорлик ко-мпаниясининг Термиз минтақавий темир йўл узели тиклаш поезди бошлиғи, Сурхондарё вилояти

паниясининг Термиз минтақавий темир йўл узели тиклаш поезди бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Магазов Анвар Мелиевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компа-нияси «Қўприк қурилиш трести» унитар кор-хонаси бошқарувчисининг ўринбосари, Тош-кент шаҳри

Мелибаев Бобирмирзо Мамиржанович — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхона-сининг «Андижон механика заводи» шўъба корхонаси директори, Андижон вилояти

Рахматуллаев Абдуллажон Мамажано-вич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Учқўрғон стан-цияси йўл таъмирловчиси, Наманган вилояти

Эгамназаров Абдусаттор Ниёзбоевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акция-дорлик компаниясининг Жиззах темир йўл масофаси йўл таъмирловчиси, Жиззах вило-яти

Юлдашев Муҳаммад Эргашевич — «Ўзбе-кистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўқон локомотив депоси теп-ловоз машинисти, Фарғона вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллаева Фируза Каримовна — «Ўзбе-кистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Ақбаров Адхамжон Абдуллаевич — «Ўзбе-кистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўқон темир йўл масофаси бошлиғи, Фарғона вилояти

Астанов Утқир Султанович — «Ўзбекис-тон темир йўллари» давлат акциядорлик ко-мпаниясининг «Ўзтемирйўлконтейнер» очик ак-циядорлик жамияти бошқаруви раиси

Данияров Мелибай Холикович — «Ўзте-мирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонасининг гидротехник иншоотлар қурилиш дирекция-си техникаларни таъмирлаш устaxonаси чи-лангари

Исматуллаев Шерзод Шухратуллаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акция-дорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари

Каримова Фируза Фузаиловна — Тош-кент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг ўқув ишлари бўйича проректори

Нурмухамедов Жаҳонгир Толаниддино-вич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қарши минта-қавий темир йўл узели бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Рабинов Тошқуват Шодиярович — «Ўзбе-кистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Самарқанд темир йўл ма-софаси кўприк қурилиш бригадаси устаси, Самарқанд вилояти

Реймов Парахат Базарбаевич — «Ўзбе-кистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўнғирот минтақавий темир йўл узели йўл таъмирловчиси, Қорақалпоғис-тон Республикаси

Сулайманов Мамуржон Мадаминович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акция-дорлик компаниясининг электр таъминоти маркази бошлиғи

Цой Гром Григорьевич — «Ўзбекистон те-мир йўллари» давлат акциядорлик компания-сининг «Боштранслойиха» очик акциядорлик

жамияти темир йўллари лойиҳалаш бўлими бошлиғи

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Садиков Шухрат Махаматсидикович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акция-дорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари

«Шухрат» медали билан

Азимов Раҳматжон Махмуджонович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акция-дорлик компаниясининг «Ўзбекистон» локо-мотив депоси «Афросиёб» электропоезди ма-шинисти, Тошкент вилояти

Закиров Абдукахор Раҳимбердиевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акция-дорлик компаниясининг «Тошкент йўловчи ва-гонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» очик акциядорлик жамияти чилангари, Тошкент шаҳри

Мирзакулов Ёдгор Турғунович — «Ўзте-мирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонаси ме-ханика-йиғув цехи тоқари, Тошкент шаҳри

Мирзахмедов Камолитдин Учқунович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акция-дорлик компаниясининг «Қўприк қурилиш трести» унитар корхонаси 13-кўприк қурилиш отряди бошлиғи, Тошкент шаҳри

Мухторов Зафар Сафарович — «Ўзбекис-тон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Бухоро алоқа ва ишорат масофаси катта электромеханиги, Бухоро вилояти

Рузиев Расулжон Санатиллаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акция-дорлик компаниясининг «Тоштемирйўллойиха» масъулият чекланган жамияти бош муҳан-диси

Рузимурадов Мавлиддин Назарович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акция-дорлик компаниясининг «Тинчлик» локомо-тив депоси тайёрлов цехи катта устаси, На-воий вилояти

Сапаев Абдишарип Каримович — «Ўзбе-кистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Урганч алоқа ва ишорат ма-софаси электромеханиги, Хоразм вилояти

Сапарбаев Оралбай Кошмуратович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акция-дорлик компаниясининг «1-энергомонтаж по-ездни» унитар корхонаси устаси, Қорақалпо-ғистон Республикаси

Сондиков Тоҳир Абдуғаниевич — «Ўзбе-кистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг махсус механизациялашган йўл станцияси бош муҳандиси

Усманов Гуламжон Якубжанович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акция-дорлик компаниясининг «Йўлрефтранс» ак-циядорлик жамияти устаси, Сирдарё вило-яти

Шайманов Абсаҳат Бозорович — «Ўзбе-кистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Термиз темир йўл масофа-си йўл таъмирловчиси, Сурхондарё вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 5 ноябрь

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



МАМЛАКАТИМИЗ АВТОТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ ЮТУҚЛАРИ



**Ўзбекистон
автомобиль ва дарё
транспорти агентлигида
2014 йилнинг
9 ойи якунларига
баишланган матбуот
анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбирда иқтисодиётимиз-нинг муҳим соҳаларидан бири — транспорт тармоғи халқ хўжалиғи ва аҳолининг транспорт хизматига бўлган эҳтиёжини таъминлаб, ҳудуд-лар ва умуман, мамлакатимиз-ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга катта таъ-сир кўрсатаётгани таъкид-ланди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ав-тотранспорт хизматлари бо-зорида соғлом рақобат му-ҳити ва бозор муносабатла-рини шакллантириш учун барча зарур шароитлар яра-тилмоқда.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ахборот хизматидан олинган маълумотларга кўра, йўлов-чи ташиш тизимида аҳоли учун йилдан-йилга қўшимча қулайликлар яратилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи якун-лари бўйича мамлакатимиз-да 4,3 мингдан ортиқ йўлов-чи ташиш йўналишларида аҳолига хизмат кўрсатилмоқ-да. Уларнинг 98,4 фоизи очик тендер савдолари орқали жойлаштирилган ав-тотранспорт хизматлари бозорида соғлом рақобат му-ҳитини ривожлантириш ва транспортда ташувчилар учун тенг шароит яратиш имкони-ни бермоқда. Жумладан, 2014 йилнинг январь-сен-

тябрь ойларида ўтказилган 89 очик тендер савдолари орқали 790 дан зиёд йўна-лиш очилди.

Ўтган даврда вилоят ҳокимликлари билан ҳамкор-ликда йўловчилар оқимини ўрганиш, йўловчи ташиш со-ҳасидаги мавжуд эҳтиёжлар-ни аниқлаш, автокорхоналар-даги автобусларни янгилаш-га амалий ёрдам кўрсатиш ишлари давом эттирилди. Са-марқанд автомобиль заводи-да ишлаб чиқарилган ва ли-зинг асосида харид қилин-ган «Исузу» русумли 243 янги автобус барча вилоятларда йўловчиларга хизмат кўрсат-моқда. Бундай чора-тадбир-лар самарасида янги иш ўринлари яратилиб, йўловчи-ларга хизмат кўрсатиш си-фати ошди.

Тадбирда жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, мам-лакатимизда йўловчи ташиш-ни амалга оширадиган ли-цензияга эга автомобиллар сони 94 мингдан ошгани таъ-кидланди. Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тад-биркорлик субъектлари раҳ-барлари ҳамда мутахассис-ларнинг малакасини оши-риш, уларга маслаҳат ёрда-ми кўрсатиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

**Сардор ТОҶИЕВ,
ЎЗА муҳбири**



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Сурхондарёда Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Қонунчи-лик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ҳамда вилоят, туман ва шаҳар сайлов ко-миссиялари аъзолари иштирокида ҳудудий семинар ўтказилди.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенга-ши ҳамда вилоят сайлов комис-сияси ҳамкорлигида «Сайлов ва ёшлар» деб номланган форум бўлиб ўтди. Унда Андижон, Наман-ган ва Фарғона вилоятлари ёшла-ри иштирок этди.

● Қарши шаҳрида «Насаф» фут-бол клуби ўринбосарларининг янги ўқув-машғулот базаси очилишига бағишланган тадбир ўтказилди.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти кенгаши ҳамда «Камалак» болалар ташки-

лоти, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳам-корлигида «Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Термизда «Ниҳол» мукофоти учун ўтказилаётган анъанавий кўрик-танловнинг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.



● Коинотга учирилган Хитой кос-мик аппарати Ой атрофини айла-

ниб чиқиб, Ерга қайтди. Аппарат Хитой ҳудудидаги Ички Мўғулистон мухтор вилоятига қўнган. Кеманинг хизмат модули коинотда қолгани маълум қилинган.

● АҚШ Статистика агентлиги кизикарли маълумотларни эълон қилди. Унга кўра, мобил қурил-малар сони Ер шари аҳолиси со-нидан ошиб кетди. Аниқланиши-ча, сайёрамизда ҳар сонияда икки нафар чақалоқ дунёга кела-ди. Худди шу вақт ичида эса 9-10 та янги сим-карта ишга ту-ширилади.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ҳуқуқий таълимни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

КОНСТИТУЦИЯ ҚАНДАЙ ЎРГАНИЛМОҚДА?

Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши бу борадаги ишларни янги сифат босқичига кўтарди. Бугунги кунда мазкур ҳужжат асосида Асосий қонунимизда белгиланган тушунча ва тамойиллар мамлакатимиздаги мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб барча ўқув масканларида кенг ўрганилмоқда.

Конституцияимизнинг мазмун-моҳияти мактабгача таълим муассасаларида кичкинтойларнинг ёши, дунё-қараш, психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, асосан ўйинлар воситасида ўрганилаётган бўлса, умумтаълим мактабларининг 1-4-синфларида «Конституция алифбоси», 5-7-синфларида «Конституция ола-мига саёҳат» дарслари, 8-синфда «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ асослари» ва 9-синфда «Конституциявий ҳуқуқ асослари» фанлари орқали ўқитилмоқда, – дейди Республика таълим маркази бўлим mudiri Наргиза Исмаилова. – Бунда илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, ўқитишнинг самарали усулларидан кенг фойдаланилаётгани Бош қўмушимизнинг ҳаётбахш аҳамиятини ёш авлод онгига чуқур сингдиришга хизмат қилаётди.

Умумтаълим мактабларида Конституцияимизни ўрганиш ташкил этиш йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда. Ҳуқуқий таълим-тарбияни сифатли амалга ошириш мақсадида ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази мутахассислари томонидан 22 номдаги ўқув-услубий қўлланмалар яратилди. Ушбу адабиётлар билан бирга «Конституция алифбоси», «Конституция оламига саёҳат», «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» каби изоҳли лўғатлар, «Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси» номли плакатлар тўплами мактабларга етказилди. 8-9-синфлар учун Бош қўмушимизни кенг ўрганишга доир қатор электрон дарсликлар таълим масканларининг ахборот-ресурс марказларига жойланган.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим даргоҳларида Асосий қонунимизни ўрганиш самарадорлигини ошириш юзасидан турли кўрик-танловлар, учрашувлар, давра суҳбатлари мунтазам ташкил этилмоқда. Жумладан, ҳар йили 10 ноябрдан 10 декабргача «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» – инсон ҳуқуқларининг кафолати» олимпиади, 1 январдан 1 февралгача «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани олимпиади ўтказиш анъанасига айланган. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Конституция – бахтимиз пойдевори» кўрик-танлови мунтазам уюштирилаётгани ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг Конституцияимизда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларига доир билимини бойитишда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳада қўлга киритилаётган ютуқ ва марралар, навқирон авлод камолоти йўлидаги чекиз меҳр ва эътибор замирида Асосий қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ҳамда кафолатларнинг ҳаётимиздаги фойдаси мужассам. Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 69-умумтаълим мактабида ҳам Конституцияимиз барча эзгу орзу-умидларимизни рўёбга чиқаришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори экани ўқувчилар онги ва қалбига дарсликлардан ташқари, ҳужжатли фильмлар, тарихий манбалар, адабиётлар ёрдамида чуқур сингдирилмоқда.

Мактаб директори Раҳима Бобожонованинг таъкидлашича, болаларнинг ҳуқуқий билимини бойитиш ўқув предметлари билан бирга, фанлар таркибига интег-

рациялаштирилган ҳолда амалга оширилаётди. Масалан, фуқароларнинг давлат ва жамият олдидаги бурчи, масъулияти, ижодий-интеллектуал имкониятларини юзага чиқаришга оид ҳуқуқий кафолатлар «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фани орқали, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга оид тушунчалар «Иқтисодий билим асослари», ёшларнинг оила ва жамият олдидаги масъулиятини кучайтириш, тиббий маданиятини ошириш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга оид ҳуқуқ ва бурчлари «Соғлом авлод асослари» дарсларида кенг ўргатилмоқда.

Дарсларни турли ноанъанавий усуллардан фойдаланган ҳолда олиб бораётганимиз ўқувчиларнинг Конституцияни ўрганиши самарадорлигини оширмоқда, – дейди «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси – 2014» республика кўрик-танлови ғолиби Н.Хайитов. – Ўтган йили Бобур Абдиев, Шаҳзод Давлетов каби ўқувчиларимиз «Билимлар беллашуви» ва фан олимпиадасида муваффақият қозонган ёшларимизнинг ҳуқуқий билимлари эгаллашга бўлган иштиёқи ортганидан далолатдир. Президентимиз «Оқсак маънавият – энгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Мазкур мактаб ўқувчилари мамлакатимиз Конституциясини ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда ўрганмоқда.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири
Аскар Ёкубов (ЎЗА) олган сурат



Эътироф

БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш учун дадил интилоқда. Бунинг самараси барча соҳаларда яққол намойён бўляпти. Чунончи, мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан юксалтиришга қаратилган ислохотларнинг бекиёс самаралари халқаро миқёсда ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда кредитлаш тизими жаҳон рейтингига юқори поғонага кўтарилгани қувонарли ҳолдир.

Яқинда Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси «Бизнесни юритиш – 2015» (Doing business) бўйича мамлакатларнинг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон қулай ишбилармонлик муҳити кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг 189 давлати орасида охириги бир йил мобайнида 8 поғона кўтарилиб, 141-ўринни эгаллади.

«Кредит олиш» индикатори бўйича эса рейтинг кўрсаткичларининг бундан-да юқори ўсиш суръати таъминланди. Яъни юртимиз ўтган йилдагига нисбатан бир йўла 26 поғона илгарилаб, 104-ўринга чиқди.

Таъкидлаш жоизки, эришилган ушбу эътиборли натижа, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган тараққиётнинг «ўзбек модели» самараларини, макроиктисодий барқарорлик ҳамда чуқур таркибий янгиланишларни ўзида ифода этиб турибди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритишнинг тобора такомиллаштирилиб борилаётган шароити, албатта, қўлга киритилган навбатдаги муваффақиятимизнинг мустаҳкам замини бўлди.

Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорациясининг ушбу йиллик ҳисоботи ҳар йили мунтазам эълон қилиб келинади. Бу галги ҳисоботда дунё давлатларидаги бизнес юритиш шароити турли мезонларга биноан баҳоланди.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон «Кредит олиш» индикатори бўйича рейтингини янада яхшилаш ва юқори ўсиш суръатларига эришиш учун катта имкониятларга эга. Бинобарин, республика Марказий банки кредит ахбороти алмашинуви ҳамда гаров таъминоти бўйича келишувларни амалга ошириш юзасидан муайян тажриба тўплаган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон «Кредит алмашинуви индекси» кўрсаткичи бўйича мавжуд 8 балли тизимда 7 баллга баҳолашнинг иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD)га аъзо давлатларга берилган кўрсаткичдан кўра анча юқоридир.

Мухтасар қилиб айтганда, Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорациясининг бу йилги ҳулосаси Ўзбекистонда жуда қисқа давр ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий ҳамда сиёсий барқарорлигининг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирувчи кучга айланганини, қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда мустаҳкам банк тизими қарор тоғганини халқаро миқёсда тасдиқлагани эътиборга лойиқдир.

Ахборот-коммуникация технологиялари

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Пойтахтимизда Тошкент ахборот технологиялари университети ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Ахборот технологияларининг ривожланиш истиқболлари – ИТРА-2014» мавзусида халқаро илмий-техникавий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ахборотлаштиришни ривожлантириш соҳасидаги ислохотлар мамлакатимизнинг жаҳон ахборот макониға фаол интеграциялашувини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Анжуманда дунёда замонавий технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда глобал ахборот ҳамжамиятини ташкил этиш жараёни фаоллашга, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт жадал ривожланаётгани қайд этилди. Барча соҳаларга телекоммуникациянинг энг янги ютуқларини жорий этиш борасида амалий чоралар кўрилмоқда. Электрон тўловлар, электрон рақамли имзо, кадрлар тайёрлаш соҳасида халқаро стандартларни татибқ этиш бўйича режалар ишлаб олиб боришмоқда.

Конференцияда қайд этилганидек, мамлакатимизнинг барча ҳудудига сифатли алоқа ва маълумотлар узатиш хизматлари ташкил этилиб, тизимга янги АҚТлар жорий этилаётди. Интернет, мобиль алоқа воситаларидан фойдаланувчилар сафи кенгаётгани бу соҳа янгиларидан хабардор бўлишни талаб этади. Тизимда ёш, малакали, изланувчан, билимли кадрларни тайёрлаш ҳам долзарб вазифадир.

Тадбирда юртимиз ва хорижда АҚТ соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар, энг янги ишланмалар, кенг турдаги ўзига хос хизматлар билан таъиниш, таъриба алмашиш имконияти яратилди.

Конференцияда электрон ҳукумат, ахборот хавфсизлиги, бошқарув ва моделлаштириш тизимларида ахборот технологияларининг қўлланилиши, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш муаммолари ва истиқболлари, соҳада иқтисодий ва менежмент, таълимин ахборотлаштириш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Сайлов — 2014

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ — УСТУВОР МАҚСАД

«Ўзбекистон – Миллий тикла-

ниш» демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Отамуродов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият сифатида қаралган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу жамиятимизни тараққиёт эътириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ўрни, ўтган беш йил давомидаги фаолияти, истиқболдаги вазифалари атрофлича муҳокама қилинди.

Ўтган давр мобайнида партиянинг 2009 йилги сайловолди дастури ижросини таъминлаш, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва қўли фуқаролик жамияти барпо этиш, маънавият, маданият ва фан-таълим соҳасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва ушбу соҳалар ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу жараёнда халқимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш ғоясини кенг

Пойтахтимизда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг съезди бўлиб ўтди.

тарғиб қилиш, ёшларда ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат ҳисларини юксалтириш барча тадбирларнинг асосий маъзига айланди.

«Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони» кўрик-танлови, «Фаол аёллар – жамиятимиз таянчи» мавзусидаги хотин-қизлар форуми ва бошқа тадбирлар мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган доимий эътибор, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва болалик ҳимоя қилиш борасидаги кенг қўламли ишларнинг амалий намунаси бўлди.

Жорий йилда ЎзМТДП фаоллари томонидан энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиқдек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ғояларини ўзида мужассам этган «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида «Тинчлик ва осойишталик мамлакатимиз тараққиёти кафолатидир», «Шу Ватанга бордир менинг кeргeгим», «Мустақиллик

миллий тикланиш ва юксалиш» каби лойиҳалар амалга оширилди.

Йиғилишда партиянинг демократик, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича вазифаларни ҳал этишдаги ролини кучайтиришга доир фаолият атрофлича таҳлил этилди. Марказий ва ҳудудий ташкилотларнинг 2009–2014 йиллардаги фаолиятида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар таъкидланди.

Тадбирда барча даражадаги партия ташкилотларининг жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларда муносиб иштирок этишини таъминлаш, сайловолди кампаниясида сайлов технологияларидан самарали фойдаланиш, сайловолди ташвиқотида фаоллик кўрсатиш, сайлов штаблари ва тарғибот гуруҳларининг фаолиятини такомиллаштириш, кузатувчи, ваколатли ва ишончли вакиллар билан ишлашни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Съездда ЎзМТДП устави, дастури ҳамда назорат-тафтиш комиссиясининг низомига тегишли ўзгаришлар киритилди. Партиянинг сайловолди платформиаси тасдиқланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар мақбулланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VIII қурултойи бўлиб ўтди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши раиси Х.Кетмонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, партиянинг парламент кўйи палатасидаги фракцияси раҳбари У.Вафоев, Ўзбекистон халқ шoири, сенатор М.Тоиров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳаётга

ичкилатиб этилаётган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ахборот, сайлов, сиёсий партиялар ва жомоат тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берганини таъкидлади.

Партияда 2009 йилги сайловлардан кейин электротар манфаатларига жавоб берадиган ижтимоий вазифаларни ҳал этишда иштирок этиш бўйича муайян тажриба тўпланди. Партиянинг «Истикбол» ёшлар қаноти, «Фаол аёллар» қаноти каби тузилмалари мамлакатимиз ёшлари, хотин-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини юксалтиришга ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Банд бўлмаган аҳоли ва коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, шаҳар ва туманлар санитария ҳолати, коммунал таъминот, йўлларни таъмирлаш, таълим масканларининг моддий-техник

базасини мустаҳкамлашга оид қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этишда партия гуруҳлари фаол иштирок этмоқда.

«Маҳалла – аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш маркази», «Депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти», «Касб-хунар коллежлари битирувчилари ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш», «Колледждан – корхонага», «Аёллар бандлиги – обод турмуш гарови» каби лойиҳалар аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўтган даврда партия ташкилотларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан электротар манфаатлари ва ҳаётини эҳтиёжлариға оид ижтимоий вазифаларни биргаликда ҳал этиш борасидаги ҳамкорлиги кенгайди. Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолияти ҳам самарали кечди. Фракция қатор қонунлар лойиҳаларига тақлифлар берди.

Қурултойда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Партиянинг сайловолди платформаси тасдиқланди, янги таҳрирдаги низоми қабул қилинди. (ЎЗА)

– Ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишда интерфаол усулларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, – дейди ЎЗА мухбирига Навоий шаҳридаги 16-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиси Нилуфар Пўлатова. – Бунда «ZiyoNET» таълим тармоғидаги турли маърифий манбалар, дарс ишланмалари, тилини тез ва осон ўзлаштиришга оид ўқитиш методикаларидан кенг фойдаланилаётгани ўқувчиларнинг мавзунини пухта ўзлаштиришда асосий омил бўлмоқда.

Анжуманда хорижий тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш, илғор педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Тадбир доирасида инглиз тили бўйича очик дарс машғулотлари ташкил этилди. Н.УСМОНОВА

Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда «Чет тилларни ўқитишни жадаллаштиришнинг инновацион йўналишлари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Анжуманда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларни ўқитишнинг комплекс, яъни билим, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига изчил интеграциялашувиға йўналтирилган тизими яратилишини таъкидланди.

Бу борадаги кенг қўламли амалий чора-тадбирларда хорижий тиллар бўйича педагог кадрлар тайёрлаш, таълим масканларини хорижий тилларни ўрганиш бўйича ўқув адабиётлари ва

мультимедиа дарсликлар билан таъминлаш юзасидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.


Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш-

га оид ишларни давр руҳи билан ҳамоҳанг тарзда олиб бориш имконини бермоқда. Мазкур қарор чет тили ўқув фани сифатида бошланғич таълим таркибидан тўлиқ ўрин эгаллаши, ўқувчиларнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сиз Тошкентни биласизми?



ВИКТОРИНА:

ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧНИНГ ҒОЛИБИ
ВА СОВРИНДОРЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ватанни севиш учун унинг тарихию бугунини яхши билиш керак. Шунинг учун, барча замон ва маконларда боболар, бувилар набираларга ёшликлари ўтган, вояга етган шаҳар, маҳалла, қишлоқларини, қайси бино, иншоотларни ким, қачон қурганини, қаерда қандай воқеалар бўлганини ҳикоя қилиб келишган. Бу ҳикоялар болаларнинг «қулоқларида қолиб», бир умр уларда Ватан туйғусини сўндирмай келган бўлса, не ажаб?

Биз бугун жуда қизгин, жўшқин замонда яшаймиз. Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юзлаб, минглаб иншоотлар қуриляптир. Бу ишларни бунёдкор, миллий гоёмиз атрофида бирлашган, ўзини англаб, Ватанни ривожланган давлатлар қаторига қўтараётган халқимиз амалга ошираётир.

Мустақиллик шарофати билан пойтахтимиз Тошкентда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Бу хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда, давом этаверади, албатта. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўрқига кўрк қўшмоқда. Бундай кенг кўламли, хайрли ишларни янада кенг тарғиб этиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент окшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари тахририяти ҳамкорлигида «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинаси ташкил этилди.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларнинг ёши, маълумотидан қатъи назар, иштирок этишларига имкон берилди. Викторина саволи бўйича газеталарда кўрсатилган манзилларга энг аввал етган, тўғри жавобни юборган киши ғолиб саналади. Ҳар ўнта саволдан кейин сарҳисоб қилинади. Яъни, энг кўп тўғри жавоб йўллаган кишилар ғолиб бўлишади ва уларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Яқинда ушбу викторина саволларини шакллантирувчи ишчи гуруҳ газетхонларнинг юборган жавобларини ўрганиб чиқди. Аввало, шуни айтиш керакки, викторина пойтахт аҳолиси орасида катта қизиқиш уйғотди. Берилган 10 та саволга 200 га яқин жавоблар олинди. Викторина иштирокчиларининг турли касб эгалари – ўқитувчилар, журналистлар, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари, талабалар, шифокорлар, меҳнат фахрийлари, банк ходимлари, тадбиркорлар, савдо ходимлари, ётоқхона комендантлари, «Тез ёрдам» диспетчери, маҳалла маслаҳатчилари, уй бекалари, коммутаторлар, фаоллар, ёшлар, хунаманд, ҳайдовчи, геолог, сувсоз, сураткаш, режиссёр, матбуот тарқатувчиси, солиқ инспектори, темирйўлчи, фан ва маданият соҳалари ходимлари, турли

миллат ва касблар вакиллари эканлиги маълум бўлди. Мана шунинг ўзи ҳам «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинаси ҳамшаҳарларимизнинг кўнглидаги иш бўлганини кўрсатиб турибди.

Мазкур викторинанинг 1-босқичидаги 10 та саволга тўғри ва тўлиқ жавобни Шайхонтоҳур туманининг Ибн Сино 2-даҳасида истиқомат қилувчи уй бекаси Дилафрўз Ходиева берди ва «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинаси 1-босқичида биринчи ўринни эгаллади. Ҳамшаҳримиз Дилафрўзнинг берган жавоблари тўғри ва батафсиллиги билан бошқа иштирокчиларнинг жавобларидан алоҳида ажралиб туради. Улардан Дилафрўзнинг азим шаҳримизнинг саволларда жам бўлган тарихини яхши билиши билан бирга ўз ишига астойдил, сидқидилдан киришгани, меҳр, кунт ва ҳафсала билан ишлагани кўриниб турибди.

Дилафрўз викторинанинг биринчи «Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркаси қачон бунёд этилган ва у қандай рамзий маънони англатади?» саволига ўз жавобини бир қимматли маълумот билан бойитибди. Яъни 1991 йил 5 сентябрь куни давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Фармонида кўра республикамизнинг бош майдонида «Мустақиллик майдони» деб ном берилганини ёзибди. Рамзларни талқин қилар экан, Дилафрўз парвозга шайланаётган турналарда «халқимизнинг ўз буюк орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги юксак орзу-интилишлари, қатъияти ва иродаси, оқ лайлақларда эса тинч ва осуда ҳаётимиз, фаровонлик ва кут-барака тимсоллари»ни кўради. У баланд ва мустаҳкам устунларни «мамлакатимиз ривожини учун бақувват таянчлар»га ўхшатган. У «Эзгулик аркаси»нинг фойдаланишга топширилган вақтини, унинг узунлиги, баландлиги ва 16 та оқ мармар устунини ҳақида тўлиқ маълумот берган.

Дилафрўз Ходиева викторинанинг иккинчи «Тошкентда Мустақиллик ва Эзгулик монументи қачон бунёд этилган?» саволига ҳам «Мустақиллик майдони»нинг тарихи, кейин эса мазкур майдонда «Мустақиллик» монументи ўрнатилгани, унда Ўзбекистон Республикаси харитасининг тасвири акс эттирилгани ҳамда Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йилнинг декабрь ойида «Бахтиёр она» ҳайкали ўрнатилгани, сўнгра «Мустақиллик ва Эзгулик монументи» деб номлангани тўғрисида батафсил жавоб қайтарган.

«Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасининг совринига Олмазор туманидаги 17-оилавий поликлиника шифокори Нилуфар Тоирова сазовор бўлди. Нилуфар ҳам қисқа ва аниқ йўллаган жавоблари билан ғолиблик шох-супасига даъвогарлар сафидан ўрин олди. Нилуфарнинг викторинанинг биринчи саволига берган жавобида Истиқлол йилларида «Мустақиллик майдони»да улкан қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилиб, у яхлит меъморий ансамбль, ноёб мажмуа кўринишига эга бўлганлиги, барпо этилган «Эзгулик аркаси»нинг 2005 йил 30 августда фойдаланишга топширилганлиги, унинг узунлиги, баландлиги ва ўн олтига оқ мармар устунини ҳақидаги маълумотлар акс этган. Шу билан бирга, унинг ҳар бир жавобида Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, фахр туйғуси жўшқин ифодаланган. Юборган жавобларидан мамнун бўлдик, чунки бу каби жой номларини, шаҳарда қад кўтараётган янгидан-янги иншоотларнинг, майдонларнинг қачон ва қандай қилиб бунёд этилганини батафсил билиши таҳсинга лойиқдир.

Мазкур викторинада яна бир совринли ўрин Яшнобод тумани Авиасозлар кўчасида яшовчи ҳамшаҳримиз – «East stark TV» хусусий корхонаси устаси Олег Курочкинга насиб этди. Унинг «Вечерний Ташкент» газетасида бериб борилган 10 та саволнинг ҳаммасига тўғри жавоб ёзиб юборгани диққатга сазовордир. Курочкиннинг Тошкент шаҳри тарихини, ҳозирги даврда бунёд этилаётган юртимиз озодлиги, фахру ифтихоримиз, олижаноб фазилатлар – меҳр-оқибат, болажонлик, тинчлик-севарлик ва меҳмондўстлик хусусиятларини ўзида мужассам этган замонавий бинолар, буюк аждодларимиз ва илмий-маънавий мероси билан дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган улуғ мутафаккирларимиз хотирасини ёд этиш мақсадида уларга қўйилаётган монументлар, қайта тикланаётган меъморий обидаларнинг тарихи, манзили, қачон бунёд этилгани ҳақида маълумотларга эга эканлиги бизни қувонтирди.

Викторинанинг «Мустақиллик майдонидаги «Эзгулик аркаси қачон бунёд этилган ва у қандай рамзий маънони англатади?» саволига «Эзгулик аркаси»нинг рамзий маънолари: «Арка – эзгу ва олижаноб ният, ғоялар тажассуми», «ер шари атрофида турналарнинг айланиши – тинчлик рамзи», «устунлар – мустақиллигимизнинг мустаҳкам таянчларини эс-

латади», «лайлак фақат тинч ўлкада ин қуради, бу парвознинг, баҳорнинг, бахтнинг рамзидир. Бу қушлар ўзбек халқининг қилаётган ишларини қўллаб-қувватламоқда, гуллаб-яшнашини тиламоқда», деб ёзади Олег Курочкин газетамга йўллаган жавобларида.

Викторинанинг яна бир иштирокчиси, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Абдулазиз Мусаев ҳам совринли ўринга муносиб деб топилди. Абдулазиз берилган 10 та саволга тўғри жавоб берган. Мисол учун, викторинанинг «Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи қачон очилган?» саволига қуйидагича жавоб берган: «Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, ёшларни чуқур инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини тантанали нишонлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги Амир Темур хиёбонида Президент Ислам Каримов ташаббуси билан барпо этилган «Темурийлар тарихи давлат музейи» 1996 йил 18 октябрда очилган. Музей янги-янги экспонатлар билан бойитилиб, кўплаб кўргазмалар ташкил этилди. Музей 2001 йил 23 августда ўзининг миллионинчи томошабинини қутиб олди». Абдулазиз мазкур жавобида музей тарихи, нима мақсадда очилгани, қачон бунёд этилгани ҳақидаги маълумотлар билан чекланиб қолмасдан, музей экспонатлари, кўргазмалар, хатто, томошабинлари ҳақида ҳам қизиқишларини баён қилган.

«Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасида фаол иштирок этган газетхонларга миннатдорлигимизни билдираемиз. Ҳамшаҳарларимиз юборган жавобларда бир умумийлик бор. У ҳам бўлса, уларнинг барчасида фахру ифтихор, ғурур туйғуларини уфуриб турибди. Жумладан, Гулрух Эгамбердиева, Акида Саидова, Жавоҳир Орипов, Комила Носирова, Азиза Раҳматуллаева, Бобур Фуломов, Дилдора Ризаева, Дилноза Умарова, Фозил Жабборов, Бондаренколар оиласи (Людмила Васильевна номидан), Баҳром Юнусов, Мухтабар Толипова, Ольга Заварзина, Зоир Каримов, Алишер Амиров, Максим Муракаев, Дилдора Бакиева, Григорий Кляцкий ва бошқа ўнлаб газетхонларнинг жавоблари ҳам бизни хушнуд этди.

АЗИС ҲАМШАҲАРЛАР!

«Сиз Тошкентни биласизми?» викторинаси давом этади.

Викторина жавоблари «Тошкент окшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари тахририятига ёки gazeta-vto@mail.uz, info@tashkent.uz электрон манзилларига йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.



Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Ораста қизлар» кўрик-танловининг мамлакат босқичи ўтказилди.



Сарвар Усмонов (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Урта махсус, касб-хунар таълими маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлод, айниқса, қизларнинг пухта билим олиши, миллий анъана ва қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбияланиши, спорт билан шуғулланиши, замонавий касб-хунар сирларини эгаллаши йўлида қўрқатилган эътибор ва ғамхўрлик қўламини тобора кенгайиб бормоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўсмир қизлар соғлиги ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, уларни спорт, бадий ижодиёт, касб кўникмаларини эгаллашга йўналтирилган тўғарақларга жалб этиш, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан баҳариланган ишлар ҳажми ортмоқда.

2011 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан мамлакатимиздаги барча таълим масканларида «Ораста қизлар» тўғарақлари ташкил этилди.

2014 йил — Соғлом бола йили

ОРАСТА ВА ОҚИЛА ҚИЗЛАР

Бундан қўзланган мақсад ўқувчи-қизларда шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш, эрта турмуш қуриш ҳолларининг олдини олиш, никоҳ ёшидаги қизларга оила, унинг муқаддаслиги ҳақида тушунчалар беришдан иборатдир.

Бугунги кунда қизларнинг муомала, кийиниш, нутқ одобиининг тўғри шаклланиши, катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик, озодаллик, уй-рўзгор тутумига оид билим ва кўникмаларни эгаллашда ушбу тўғарақларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

— Мактабимизда ташкил этилган «Ораста қизлар» тўғарақига кўлаб қизлар аъзо, — дейди ЎзА муҳбирига Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 14-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дилноза Қодирова. — Мазкур тўғарақда олимлар, мутахассислар, «Қамолот» фаоллари, маънавият тарғиботчилари иштирокида ўтказилаётган машғулотлар ўқувчиларга узлуksиз таълимга оид ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, миллий анъана ва қадриятлар, оила, жамият, Ватан олдидаги бурч ва масъулиятни янада тереан аниқлаш имконини бермоқда.

Кўрик-танловда иштирокчиларнинг сиёсий, ахлоқий, тиббий-гигиеник билимлари синовдан ўтказилди. Айни пайтда тўғарақ аъзоларининг ўз тенгдошлари қалбида ватанпарварлик, юрт тақдирини унун дахлдорлик, огоҳлик ва ҳушёрлик туйғусини тарбиялаш, уларда ўқишга бўлган қизиқишни кучайтириш, 12 йиллик узлуksиз таълимнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, ҳонадон ва маҳалласини озода сақлаш каби амалий ишлари атроф-лича таҳлил этилди.

Танлов якунида ғолиб жамоаларга сертификат ва совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА

«Қамолот»

«КАМАЛАК»НИНГ ЯНГИ АЪЗОЛАРИ

Ҳар йили анъанавий тарзда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Низомиди белгиланган ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, Ватани билан ғурурланиш ва унинг тараққиёти учун ўз ҳиссасини қўшишга бағишланган «Қамалак» болалар ташкилоти сафига аъзоликка қабул қилиш маросими ўтказиб келинади.

Тошкент Давлат юридик университетда «Қамолот» ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши томонидан тумандаги умумтаълим мактабларида тахсил олаётган 10-14 ёш тоифасидаги «Қамалак» болалар ташкилоти аъзолари ва йўналиш сардорларининг «Қамалак аъзолиги» қасамёдини қабул қилиш маросими ташкил этилди.

— Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Қамалак аъзосиман!» тадбирининг муҳим жиҳати, бу умумтаълим мактабларида тахсил олаётган ўқувчи-ёшларнинг «Қамолот» ЁИХга ташлаган дастлабки қадамлари ҳисобланади, — дейди «Қамолот» ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши раиси ўринбосари, «Қамалак» болалар ташкилоти раиси Баҳодир Хусанов. — 14 ёшдан сўнг «Қамалак» аъзолари «Қамолот» сафларига қабул қилинади. Тадбирда тумандаги 38 та умумтаълим мактабларининг «Қамалак» болалар ташкилоти бош сардорлари аъзолик қасамёдини қабул қилишди. Аъзоликка қабул қилинган ўқувчилар мактабда, туманда ҳар бир йўналиш бўйича ташкилоти мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб боришади.

— «Қамалак аъзолиги» қасамёдини қабул қилишни ҳар бир ўқувчи учун шараф деб биламан, — дейди тумандаги 240-умумтаълим мактабнинг 8-синф ўқувчиси Шаҳзода Халимова. — Аъзоликка қабул қилиниш бизларга катта масъулият, юклайди. Ўз ўрнида мустақил фикрлаб, тенгдошларига намуна бўлишга, бўш вақтни мазмунли ўтказиш, турли тўғарақларга қатнашишга эътибор қаратиш лозим.

Қасамёд қабул қилган барча «Қамалак» болалар ташкилотининг янги аъзоларига аъзолик нишони тақдим этилди. Тадбирда туман Маданият ва спорт ишлари бўлими, «Ўзбекон» шоу гуруҳи ҳамда 1-сонли мусика ва санъат мактаби ўқувчиларидан ташкил топган гуруҳлар иштирокида бадий чиқишлар намойиш этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Шу кунларда мактаб ўқувчиларининг кузги таътили давом этмоқда. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқувчиларнинг таътил даврида бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўқувчилар ўз қизиқишидан келиб чиққан ҳолда фан тўғарақлари, спорт секциялари, «Баркамол авлод» болалар марказларидаги машғулотларда катнашиши учун зарур шароитлар яратилган. Мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида ўғил-қизларнинг хоҳиш-истаклари инобатга олиниб, хорижий тиллар, турли фан тўғарақлари, спорт машғулотларининг таътил вақтида узлуksиз ишлашини таъминлаш йўлга қўйилган.

Таътил кунларида ўқувчилар спорт билан шуғулланиши учун умумтаълим мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, спорт мажмуаларидаги тўғарақлар ва секциялар, сузиш ҳавзалари тўлақонли фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда жами 65 минг 423 спорт тўғарақи мавжуд бўлиб, уларда 1 миллион 638 минг ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланоқда. Спорт тўғарақларида қатнашиш 16 ёшгача бўлган болалар учун бепул олиб боришмоқда.

КУЗГИ ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

«Баркамол авлод» болалар марказларида ташкил этилган 4485 тўғарақ ҳам таътил кунлари узлуksиз фаолият кўрсатмоқда. Мазкур марказларда экология ва ўлкашунослик, бадий ҳамда техник ижодиёт йўналишларидаги 36 хил тўғарақларда ўқувчилар ўз билимини бойитиши ва бўш вақтини мароқли ўтказиши учун етарли шароит яратилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги барча «Баркамол авлод» болалар марказларига қарийб 108 минг ўқувчи қамраб олинган. Улар ўртасида бичиш-тиқиш, тўқиш, либослар дизайнери, фольклор, компьютер сервиси ва графика, ёш дас-

турчи каби тўғарақларга қизиқиш ортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очилиш вақтини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вазирлик томонидан кузги таътил вақтида ўқувчиларнинг музейларга саёҳати ташкил этилмоқда. Бу каби тадбирлар юртимизда навқирон авлод ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши йўлида қўрқатилган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

(ЎзА)

Мутахассис маслаҳати

САЛОМАТЛИГИМИЗГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Бу касаллик сурункали ҳисобланиб, туғма бўлиши ёки кейинчалик келиб чиқиши мумкин. Касаллик икки турга бўлиниб, биринчи турда инсулинга муҳтож, яъни бемор бир умр инсулинни қабул қилиши шартдир. Иккинчи турда эса бемор қанд моддасини камайтирувчи таблеткалар қабул қилади. Касаллик баъзан жуда кеч аниқланади. Бунга унинг яшайиш кечилиши, беморларнинг шифокорларга кеч мурожаат қилиши ва бошқа бир қанча сабаблар мавжуд, бу ҳоҳида жуда оғир ва фожиали ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда беморларни қандли диабет касаллигидан бутунлай тузатиб юборишнинг имконияти бирмунча камлиги туфайли бу хасталикни эрта аниқлаб, уни тўғри даволаш ҳамда бемор умрини узок, ҳаётини сермазмун қилиш шифокорлар олдида турган муҳим вазифа қилишмоқда.

Кўпчилик қандли диабет наслдан наслга ўтади дейди. Маълум бўлишича, касалликнинг ўзи эмас, балки унга мойиллик насл суради. Гап шундаки, бизни турли-туман зарар келтирувчи омиллар таъсиридан ҳимоя қилиб турадиган туғма иммунитет ҳамда ҳам бир хил бўлавермайди. Ана шундай кишиларга касаллик бошқаларга нисбатан кўпроқ хавф солиши аён бўлади. Уларнинг ўзлари касалланиб қолишлари, ўз авлодларига нуқсонли иммунитетни ўтказишлари, бинобарин, касалланиш хавфини орттиришлари мумкин экан. Юқорида айтилган мойиллик ҳолатига бошқа сабаблар қўшилиб, касаллик пайдо бўлиши мумкин.

Бу касалликнинг пайдо бўлишига аввало семирмиб кетиш, камҳаракатлилик, кўп овқат ейиш оқибатида меъда ости бези ортиқча зўриқиши, хамир овқатлар ва ширинликларни кўп истеъмол қилиш олиб келади. Баъзан касаллик қоринни, бошни уриб олганда ва бир қатор ҳолларда асабий-руҳий зўриқиш, қаттиқ кўрқин, оиладаги ва ишхонадаги можаролар ва ҳоказолар оқибатида пай-

до бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, айрим ҳолларда юқумли касалликлар ва ички секретция безлари хасталиклари, меъда ости безининг яллиғланиши ва ички секретция безлари етилиш даврида ўзига ҳос зўриққанда, аёлларда эса ҳомиладорлик ва климакс даврида ҳам қандли диабет хасталиги билан оғриш эҳтимоли бор. Шу билан бирга спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ўткир ва сурункали панкреатитга олиб келиши, семирмиб кетишга сабаб бўлиб, бу қандли диабет пайдо бўлиши эҳтимолини оширади. Булардан ташқари баъзи бир касалликлар, яъни хафакон, қон томир тизими атеросклерози ва бошқалар қандли диабетга сабаб бўлади.

Юқоридаги ҳолатларга асосланиб, шуни таъкидламоқчимизки қандли диабет касаллигига гумон бўлган ҳолатларда тезликда шифокорга мурожаат қилиб, қондаги ва сийдикдаги қанд миқдорини аниқлаш ва зарур ҳолатларда даволаш чораларини кўриш зарур. Бебаҳо бўлган бойлигимиз — саломатлигимизни асраш ҳар биримизнинг ўз қўлимизда, шундай экан, соғ-омон юришни истасангиз, соғлигингизга эътиборли бўлинг.

Дилбар ОБИДОВА,
Тошкент шаҳар Эндокринология диспансери шифокори

КУРАШ — МИЛЛИЙ ИФТИХОРИМИЗ

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университетида «Ғурурим ва
ифтихоримсан кураш» деб
номланган тадбир бўлиб ўтди.

Соғлом бола йилига бағишлаб Ўзбекистон кураш федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси, «Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, хусусан, ўзбек курашини янада оммалаштириш борасида кенг миқёсда ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Кураш спорт тури ор-номус, ҳалоллик, ватанпарварлик, олижаноблик, бағрикенглик каби халқимизга ҳос фазилатларни ўзида муҳасамма этгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Бугун юздан зиёд давлатда кураш федерациялари фаолият кўрсатмоқда. Халқаро кураш ассоциацияси ва унга аъзо Осиё, Европа, Африка ва Океания кураш конфедерациялари томонидан кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юксак савияда ташкил этилаётди. Бу миллий спортимиз анъаналарини дунё бўйлаб тобора кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Тадбир доирасида ташкил этилган миллий хунармандлик буюмлари ва либослар кўргазмаси, Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқали Қозоқовнинг ўзбек кураши ҳақидаги асарлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Н.НАСРИЕВ

ФИФА РЕФЕРИСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмасининг Ёш етакчиларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида ФИФА рефериси Равшан Эрматов билан учрашув бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг замонавий таълим-тарбия олишини таъминлаш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг дунёда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиши, жаҳондаги улкан интеллектуал бойлиқни эгаллашнинг муҳим шарти сифатида хорижий тилларни ўрганишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари бу борадаги ишларни янги босқичга кўтармоқда.

Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида университетда Ёш етакчиларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси ташкил этилган. Лойиҳа доирасида «Сардорлар суҳбати», «Китобхонлар баҳси», «Математика билимдонлари» каби тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилиб, уларда талабалар инглиз тилида иш ҳужжатлари юритиш, оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантиришга оид машғулотларда иштирок этмоқда.

«Сардорлар суҳбати» тўғарақи доирасида ФИФА рефериси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Р.Эрматов билан ташкил этилган учрашув ҳам инглиз тилида олиб борилади. Суҳбат давомида ёшлар Р.Эрматов фаолияти, эришган муваффақиятлари ва ҳаётий тажрибасига доир маълумотларга эга бўлади.

— Мамлакатимиз спортчиларининг жаҳон майдонларида юксак марраларни забт этаётгани, айниқса, ўзбек ҳаками Равшан Эрматовнинг халқаро учрашувларни бошқаришдаги маҳорати биз, ёшларни кескин қувонтиради, — дейди ЎзА муҳбирига университет талабаси И.Охуннов. — Қизиқарли суҳбат инглиз тилида сўзлашиш маҳоратини ошириш билан бирга спорт таълимини ютуқимизни билин янада таъкидлаш имкон яратди.

Фарида ИБОВА



часи 1 даража совуқ,
1 даража иссиқ атрофда бўлади. Кундузи
— 3-5 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 7 ноябрь кунини ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан (қор, ёмғир) ёғингарчилик бўлади. Ҳаридан секундида 5-10 метр тезликда, кунининг 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кеч...

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 7 ноябрь кунини Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлослашиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 1155

Душанба, сенба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5622 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 13.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмоқда. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ